

 Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzARB muammolari

2/S-son (4-jild)

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ S/2 (4) – 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Сайдалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Файбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмурадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдулаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна - педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашурновна - педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна - педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибраҳимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баҳодировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Хайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна - психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;  
Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;  
Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).

## **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

Полвонов Козимбек	
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ШАҲАРЛАРИ ТОПОНИМИГА ОИД	
МАЪЛУМОТЛАР .....	10-15
<i>Xadjamuratova Matlyuba</i>	
МАКТАВГАЧА ТА’ЛИМДА БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОИY ХИМОЯ QILISHGA INNOVATSION	
YONDOSHUVNING DOLZARBLIGI .....	16-21
Шовкатов Шокир Шовкат ўғли	
АБУЛ-ЮСР ПАЗДАВИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР .....	22-31
<i>Mo'minov Xusanboy Madaminjonovich, Qodirjonov Omadjon Tavakkaljon o'g'li</i>	
О'zbekiston RESPUBLIKASIDA SUD QONUNCHILIGIGA KIRITILGAN O'ZGARISHLAR VA	
ULARNING AHAMIYATI .....	32-36

Пардаев Асрор	
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИ ХАЛҚ ИСТЕМОЛИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ	
МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ .....	37-42

## **08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

Умурзақова Мўътабархон Нодир қизи	
ЖАХОНДА ТИББИЙ СУФУРТА ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ .....	43-52

Рахманов Зафар	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ	
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ .....	53-62

Аминов Фазлитдин Баҳадирович	
РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ЭКОНОМИКЕ	
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН .....	63-70

Курбонова Шаҳриноз Авазхоновна	
ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР	
ТАҲЛИЛИНИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ .....	71-81

<i>Azimova Hulkar Egamberdiyevna</i>	
KREDIT PORTFELINI SAMARALI BOSHQARISHDA TIJORAT BANKLARINING O'RNI .....	82-87

Rajabov Orzujon Mamasoliyevich	
LOGISTIKA XIZMATLARINI KO'RSATISHDA BUYUMLAR INTERNETI (INTERNET OF	
THINGS)DAN FOYDALANISH .....	88-93

Сайдов Сарвар Хайруллоевич	
ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИДА БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ	
БОРАСИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ .....	94-104

Сержанов Аймурат Медетбаевич	
ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ БАНКЛАР ХИЗМАТЛАРИНИ ЯРАТИШ	
ЗАРУРИЯТИ .....	105111

Туробов Шерзод Алишерович, Ибодуллаев Зафар Ибодуллаевич	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХОРИЖ	
ТАЖРИБАСИ .....	112-119

<i>Daniyarova Feruza Baxriddinovna, Chinorova Shahodat Mansur qizi</i>	
O'zbekiston IQTISODIYOTIGA XORJIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH	
YO'LЛАRI .....	120-126

*Temirova Feruza Sagdullayevna*

XULQ-ATVOR IQTISODIYOTI VA BRENDGA SODIQLIK ..... 127-132

*Sharipova Shaxzoda Xasanovna*

YANGI O'ZBEKISTONDA TURIZM MADANIYATINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI ..... 133-138

## 09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

*Alimova Shahniza Hamidovna*

НОГИРОНЛИГИ БОР ЁШЛАР - АЛОҲИДА ХУСУСИЯТГА ЭГА ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК ГУРУХ СИФАТИДА ..... 139-147

*Asrakulova Adiba Nabieva*

“ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ” НИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ ..... 148-154

## 10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

*Teshabayeva Dilfuza Muminovna*

LEXICAL PROBLEMS OF TRANSLATING THE NAMES OF NEW PHENOMENA IN MASS MEDIA ..... 155-160

*Rustamov Ilhom Tursunovich, Inog'mjonova Robiya Rustamjon qizi*

INTERFERENSIYA HODISASINING TILDA AKS ETISHI XUSUSIDA OLIMLARNING TADQIQOTLARI VA QARASHLARI ..... 161-165

*Abdikhamidova Sevinch Obidjon kizi*

PROBLEMS FACED IN TRANSLATING PROPER NOUNS ..... 166-170

*Djurakulova Elmira Suyunova*

SHOYIM BO'TAYEV ROMANLARIDA BADIY XRONOTOP VA MIFOLOGIK TALQIN ..... 171-177

*Dalieva Madina Khabibullaevna*

THE ROLE OF BLENDING THEORY IN POLYSEMY AND METAPHOR ..... 178-183

*Жўраева Ирода Ахмедовна*

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АНТРОПОНИМИК ЛУФАТЛАР ТИПОЛОГИЯСИ ..... 184-189

*Iminova Shahnoza-Begim Bahodirovna*

INGLIZ TILIDA INSONNING IJOBIY AQLIY XUSUSIYATLARINING IFODALOVCHI BIRLIKLARNING KONSEPTUAL, LINGVO-MADANIY XUSUSIYATLARI ..... 190-193

*Irgasheva Shoxida Sadreddinovna*

INTERNET DISKURSIDAGI IQTISODIY NEOLOGIZMLARNI TARJIMA QILISH XUSUSIYATLARI ..... 194-200

*Tursunova Zarina Farxodovna*

LINGVISTIKADA EMOTLARNI O'RGANISHGA ZAMONAVIY YUNDASHULAR (INGLIZ TILI ASOSIDA) ..... 201-205

*Satibaldiyev Erkinjon Kamilovich*

PARADIGMATIC SOUND INTERFERENCE IN THE ENGLISH SPEECH OF TURKOPHONES ..... 206-212

*Radjabova Hafiza Shukrulloyevna*

INGLIZ VA O'ZBEK TERMINOLOGIYASINING METODOLOGIK ASOSLARI ..... 213-220

*Avezova Dilovar Salimovna*

TAXALLUSLARNI O'RGANISHNING NAZARIY JIHATI ..... 221-225

<i>Alikberova Kamila Adhamovna</i>	
A CRITICAL ANALYSIS OF LANGUAGE USE AND LANGUAGE ACQUISITION .....	226-232
<i>Rakhmatova Bahara Ibodulla qizi</i>	
THE ROLE OF LEGAL DISCOURSE IN MODERN LINGUISTICS .....	233-238
<i>Valieva Nargizakhon Zamir kizi</i>	
COMPARATIVE ANALYSIS OF “KITE RUNNER” AND “A THOUSAND SPLENDID SUNS” BY KHALED HOSSEINI: THEMES, CHARACTERS, AND SOCIOPOLITICAL CONTEXT .....	239-244
<i>Mamatqulova Zilola Rejabaliyevna</i>	
RISHTON KULOLCHILIK MAKTABI KASB-HUNAR LEKSIKASINING STUKTURAL TASNIFI .....	245-251
<i>Alimova Kamola Tursunovna</i>	
CHALLENGES IN PREPARATION OF GUIDE TRANSLATORS .....	252-258
<i>Сейтимбетова Айкумар Пулатбаевна</i>	
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В АНГЛИЙСКОМ, РУССКОМ И КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКАХ.....	259-264
<i>Бегжанова Айсилуу Махмудовна</i>	
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ ТЕРМИНЛАР ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....	265-270
<i>Kubanova Ilmira Sharifovna</i>	
EXPLORING ABBREVIATED RAILWAY TERMINOLOGY IN ENGLISH: A COMPREHENSIVE ANALYSIS .....	271-275
<i>Azamjonova Sarvinoz</i>	
USE OF TOPONYMS IN MODERN FRENCH MEDIA .....	276-282

## **12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

<i>Muxiddinova Dildora Muxiddinovna</i>	
O'ZBEKİSTONNING BOJXONA FAOLIYATIGA KİOTO KONVENSIYASINI JORİY ETİŞHNİNG HUQUQIY JİHATLARI VA JSTGA A'ZOLIKNING TA'SIRI .....	283-292
<i>Asadov Eldorjon Nizomiddin o'g'li</i>	
SOLIQ NAZORATI HUQUQIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH DAVLAT MOLİYAVİY NAZORATI INSTITUTİNİNG MUHİM OMİLİ .....	293-298
<i>Mustanov Ilxom Abdıvalijonovich</i>	
BANK QONUNCHILIGINI BUZGANLIK UCHUN JAVOBGARLIKNING NAZARIY-HUQUQIY JİHATLARI .....	299-304
<i>G'oyibov Jo'rabek Choriyevich</i>	
YOSHLAR MIGRATSİYASI: MUAMMO VA YUTUQLAR TAHLILI .....	305-309

## **13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<i>Kuziyev Otobek Chuliyevich</i>	
TALABALARDA AXBOROT MODELLASHTIRISH KO'NIKMASINI SHAKLLANTIRISHNING MUHİM UCH BOSQICHI .....	310-314
<i>Fattaxova Diloram</i>	
TIL O'QITISHDA FOYDALANILADIGAN KOMPYUTER METODLARI .....	315-321
<i>Moydinova Elmira</i>	
APPLICATION OF FLIPPED LEARNING METHODS IN THE UNIVERSITY	

CLASSROOM .....	322-326
<i>Xodiyeva Gulhayo Hasan qizi</i>	
ZAMONAVIY BOSHLANG'ICH TA'LIMDA 4K MODELI KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHGA INTEGRATIV YONDASHUVNING MOHIYATI .....	327-333
<i>Doniyorova Gulrux Shoniyozovna</i>	
AVTOMOBILSOZLIK YO'NALISHI TALABALARINING KASBIY KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHDA DASTURIY VOSITALARNING AHAMIYATI .....	334-338
<i>Jumaniyozova Muhayyo Tojiyevna</i>	
RIVOJLANTIRUVCHI TA'LIMINING ASOSIY NAZARIYALARIDA TA'LIM OLUVCHINING ANALITIK QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI .....	339-344
<i>Xo'jamberdiyeva Dilfuzা Ikramovna</i>	
DARSLIK BILAN ISHLASH O'QUVCHILARNING AXBOROT KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA .....	345-351
<i>Mamaraimov Bekzod Qodirovich</i>	
O'QUVCHILARNING TADQIQOTCHILIK KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH VA ULARNING QIDIRUV FAOLIYATIGA TAYYORLIGI .....	352-356
<i>Xudayberdiev Nurislam Nuralievich</i>	
BO'LAJAK O'QITUVCHILARING RAQAMLI KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISHNING TASHKILIY-PEDAGOGIK MEXANIZMI .....	357-363
<i>Qarshiyev Jamshid Murotaliyevich</i>	
TALABALARINING O'QUV FAOLIYATI VA ILMIY IZLANISHLARIDA SUN'IY INTELLEKT: IMKONIYAT VA CHEGARALAR .....	364-369
<i>Teshaboyeva Shahodat</i>	
ZAMONAVIY SHAROITDA SHAXSNING KASBIY HUQUQIY MADANIYATI .....	370-375
<i>To'rayeva Dilnoza Ismoilovna</i>	
RAQAMLI TA'LIM MUHITIDA BO'LAJAK O'QITUVCHINING KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH USLUBIY TAYYORGARLIKNING BIR QISMI SIFATIDA .....	376-380
<i>Beknayeva Shaxnoza Vladimirovna</i>	
MAKTABGACHA TA'LIM TASHKIOTLARIDA INSON RESURSLARINI BOSHQARISHDA INNOVATSION JARAYONLAR .....	381-388
<i>Dusyarov Salimjon Xudaymuratovich</i>	
HARAKATLI O'YINLAR ASOSIDA MAKTAB O'QUVCHILARIDA JISMONIY MADANIYATNI SHAKLLANTIRISH .....	389-393

**Пардаев Асрор**

Қарши давлат университети доценти,  
тариҳ фанлари номзоди

## **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИ ХАЛҚ ИСТЕММОЛИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада мустақиллик йилларда Қашқадарё вилояти аҳолисини ҳалқ истеъмол моллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган. Жумладан, бозор муносабатларига ўтишининг дастлабки йилларида иқтисодий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда исеъмол молларини аҳолига меъёrlаштирилган тарзда еткази бериш учун қилинган ишлар кўрсатиб берилган

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон, Қашқадарё, Қарши, Шахрисабз, озиқ-овқат, ҳалқ истеъмол моллари, кийим-кечак, ун, ўсимлик ёғи, гўшт маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, нон, сариёғ, макарон.

**Asror Pardaev**

Associate Professor of Karshi State University,  
candidate of history

## **ISSUES OF PROVIDING PUBLIC CONSUMPTION AND FOOD PRODUCTS TO THE POPULATION OF KASHKADARYA REGION**

**Abstract:** This article analyzes the work done during the years of independence to provide the population of the Kashkadarya region with consumer goods and food. In particular, in the first years of the transition to market relations based on economic opportunities, the work of delivering consumer goods to the population in a standardized manner is shown.

**Key words:** Uzbekistan, Kashkadarya, Karshi, Shakhrisabz, food, consumer goods, clothing, flour, vegetable oil, meat products, dairy products, bread, butter, pasta.

**Асрор Пардаев**

Доцент Каршинского государственного университета,  
кандидат исторических наук

## **ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ КАШКАДАРЫНСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОТРЕБЛЕНИЯ И ПРОДУКЦИЕЙ ПРОДОВОЛЬСТВИЯМИ**

**Аннотация:** В данной статье анализируется проделанная в годы независимости работа по обеспечению населения Кашкадарьинской области товарами народного потребления и продуктами питания. В частности, в первые годы перехода к рыночным отношениям, основанным на экономических возможностях, показана работа по доставке потребительских товаров населению в стандартизированном порядке.

**Ключевые слова:** Узбекистан, Кашкадарья, Карши, Шахрисабз, продукты питания, товары народного потребления, одежда, мука, растительное масло, мясные продукты, молочные продукты, хлеб, масло, макароны.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI2Y2024N05>

Аҳоли сонининг ортиб бориши нафақат озиқ-овқат молларига балки, ноозиқ-овқат молларига бўлган талабни ҳам ортишига сабаб бўлади. Айниқса, кийим-кечак, пойабзал, ва бошқа буюмларга бўлган эҳтиёж йилдан йилга ортиб бормоқда. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари кўпроқ эластик бўлади. Аксарият пайтда нархга таъсири сезилади, аҳолининг даромад даражаси одатда руҳий эскириш жараёнида истеъмол мавсумий тебранади. Кийим бош, пойабзалга бўлган истеъмол жуда ўзгарувчандир. Чунки замон ўзгариши билан моданинг алмашиши, мавсумий давр ва бошқа омиллар бу жараённи келтириб чиқаради. Аммо баъзи ноозиқ-овқат товарларининг ўзгарувчанлиги узоқ вақт давомида юз беради.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолини истеъмол билан таъминлаш борасида бир қатор қийинчиликларга дуч келди. Чунки, Советлар даврида республикалар иқтисодиёти марказга тобе ва иттифоқдош республикалар билан ўзаро боғлиқ ҳолда бир томонлама ривожлантирилганлиги оқибатида СССР парчаланган сўнг барча мустақил республикалар иқтисодиётда қатор қийинчиликларга дуч келдилар.

Булар биринчидан, бошқа минтақалар ва мамлакатлардан маҳсулот етказиб берилишига боғланиб қолган йирик корхоналар тўхтаб қолиш арафасида бўлса, иккинчидан, мустақилликка эришган республикалар ўзаро алоқаларини қайта кўриб чиқиши ва янгича тартибда йўлга қўйишилари учун маълум вақт керак бўлди, учинчидан, барча республикалар айниқса, асосан хом-ашё етказиб беришга ихтисослаштирилган Ўзбекистон учун мураккаб иқтисодий танглик йилларида аҳоли истеъмол ҳажмини кескин тушиб кетишини олдини олиш ва моддий таъминотини яхшилаш борасида ижтимоий-иктисодий соҳаларга алоҳида эътибор беришни талаб этилган. Шунинг учун ҳам мавжуд иқтисодий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда инсонларнинг ҳаёт даражаси пасайишини олдини олиш мақсадида ижтимоий аҳамиятга бўлган бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ҳамда босқичма-босқич амалга оширилган. Бундай ислоҳотлардан бири аҳолини истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш борасида олиб борилган сиёsat алоҳида аҳамиятга эга бўлган [1].

Жумладан, 1992 йилдан бозор муносабатларига ўтишининг дастлабки йилларида иқтисодий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда истеъмол молларини аҳолига меъёрлаштирилган тарзда, яъни бунда ҳаёт кечириш учун энг зарур бўлган маҳсулотлар давлат томонидан белгиланган (ун – 4 кг (7 кг), ўсимлик ёғи – 0,5 л, сариёғ – 100 г, макарон – 250 г, гуруч – 800 г, хўжалик совуни – 200 гр, ароқ – 2 шишадан, ип газлама – 2 м, 1 жуфт калиш) нор асосида ҳар бир оила жон бошига қараб ягона карточка (оиласий ҳисоб варақлари) жорий этилиб дўйонларига бириктирилган [2].

Белгиланган меъёрларда аҳолига сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари чекланган чакана нархлари нон (оқ, қора, жавдари, қолипда пиширилган) 1 килограмми 1 рубль 20 тийин, ун 1 килограмми 1 рубль 80 тийин, макарон 1 килограмми 3 рубль, ўсимлик ёғи 1 килограмми 5 рубль, чой 1 килограмми 30 рубль, қанд-шакар 1 килограмми 8 рубль, гўштнинг барча турлари (парранда гўштидан ташқари) 1 килограмми 30 рубль, сут (қаймоғи олинмагани) 1 литри 40 (сўм) [3].

Ушбу маҳсулотларнинг давлат томонидан белгиланган чакана нархлари бўлиб, аслида 1 кг гўштнинг харид (импорт) нархи 750 сўмдан, шакарнинг 1 кг 315 сўмдан,

буғдойнинг 1 кг 105 сўмдан, чойнинг 1кг 650 сўмдан бошқа давлатлардан сотиб олинган. Маҳсулотларнинг чакана нархларда (сотиб олинган нархидан арzonлаштирилган ҳолда) сотилиши ўртадаги тафовут (иқтисодий зарар) давлат бюджети ҳисобидан қоплаб борилган ва бу ўз навбатида аҳоли моддий таъминотида катта ижобий ёрдам бўлган [4].

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам даромадли оиласарга, кам қонли ҳомиладор аёлларни бепул озиқ-овқат, дори-дармонлар билан таъминлаш, 1-5 синфгача бўлган мактаб ўқувчиларига бепул нонушта бериш каби ижтимоий йўналтирилган бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1993 йилнинг биринчи чорагида давомида республика бўйича аҳолини ижтимоий ҳимоялашга 35 млрд сўм, озиқ-овқат ва бошқа моллар нархидаги фарқни қоплашга 23 млрд сўм, ўқувчиларнинг бепул нонушталарига ва имтиёзли овқатлантиришга 2 млрд сўм, болали оиласарга, келин-куёвларга 4 млрд сўм, кам қонли, ҳомиладор аёлларга, ёш болаларни, ёлғиз нафақахўрларни бепул овқатлантиришга 300 млн сўмдан ортиқ маблағ сарф қилинган [5].

Вилоят халқ хўжалиги қўрсаткичларини таҳлил қиласиган бўлсақ, аҳвол анча ташвишли экани маълум бўлади. 1994 йилга нисбатан 1995 йилда саноат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмлари 10 ва 9 % дан ошиқроқ ўсган бўлса ҳам лекин вилоят халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжларини инобатга олинганда бу иш талаб даражасидан ҳали анча ортда бўлган. Бунинг устига белгиланган суръатга эриша олмаган, ҳатто уни пасайтириб юборган корхоналар сони 1994 йилга нисбатан кўпайган.

Вилоядда етиштирилган 7 миллиард 777,8 миллион сўмлик ялпи саноат маҳсулотларидан фақат 19,3 миллион сўмлиги хусусий корхоналар улушкига тўғри келади. Яъни бу улуш давлат ва жамоа корхоналариникidan салкам 500 марта кам. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда ҳам аҳвол шунга ўхшаш 3 миллиард 14,8 миллион сўмлиги хусусий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган [6].

1993 йилда 25 тонна сут етиштирилган бўлса, 1994 йилда 70 тонна, ўтган йили бу рақам 75 тоннага етказилди. Гўшт тайёрлаш салмоғи ҳам худди шу тахлит ортиб борган [7].

Халқни озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш фақат иқтисодий масала эмас, энг аввало, сиёсий масаладир. Вилоят аҳолиси учун ўртacha бир кишига талаб қилинадиган маҳсулот меъёларидан келиб чиқиб, 1995 йилда талаб қилинадиган картошкани 6,5 баравар, полиз маҳсулотларини 4,5 баравар, меваларни, гўштни 3,5 баравар, сутни 2,5 баравар, тухумни 8 баравар кам ишлаб чиқарилган [8].

1996 йилда ялпи саноат ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми ўсган бўлса-да, аҳоли жон бошига ҳисоблагандага бу қўрсаткичлар ҳали анча паст бўлган. Масалан, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига республика ўртacha кўрсаткичининг бор-йўғи 44 % ини ташкил этган. Яъни жон бошига йилига 3,7 минг сўм озиқ-овқат маҳсулотлари учун сарфланган бўлса, шунинг фақат 2,1 минг сўмигина маҳаллий ишлаб чиқариш ҳиссасига тўғри келган. Бошқача қилиб айтганда, аграр минтақада яшаб туриб, озиқ-овқатнинг 43,3 % и четдан келтирилган [9].

Жумладан бу ҳолатни туманларда ҳам кузатиш мумкин бўлган. Туманда халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик ва тижорат ишларини йўлга қўйиш масалаларига эътибор суст бўлган.

2000 йилда вилоят бўйича нодавлат секторда халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш қўйидагича бўлган. Хўжалик совуни 1024 тонна, мебель 93,4 млн. сўмлик, линт 6792 млн. тонна, трикотаж буюмлари 836,4 млн. сўмлик, кийим-кечак 410,9 млн. сўмлик, пахта или 1003 тонна, ун 163,6 тонна, ўсимлик ёғи 25,2 минг тонна, гўшт маҳсулотлари 17,3 минг тонна, сут маҳсулотлари 26,1 минг тонна, нон 89,1 тонна, сариёғ 300 тонна, макарон маҳсулотлари 2720 тонна [10].

Иқтисодий юксалиш аҳоли моддий фаровонлигининг ошишига бевосита таъсир кўрсатган. Вилоятда аҳоли пул даромадлари 2002 йилга нисбатан, 2006 йилда 251,3 % га кўпайган, натижада қашқадарёликларнинг харид қобилияtlари тез ўсмоқда. Воҳада шахсий автомобиллар сони 95 мингдан 549 минг квадрат метр уй-жой, 2200 та дала ҳовли қурилди [11].

Воҳа аҳолиси даромадларининг ўсиш даражаси ошиб борди. Вилоятда 2010 йилда ишчи-хизматчиларининг ўртacha ойлик иш ҳақи суммаси 862,8 минг сўм бўлган бўлса, 2017 йилга келиб, 1070,8 минг сўм (224,1 %) га кўпайганлиги аниқланди. Вилоятнинг Муборак, Ғузор туманлари ва Қарши шаҳрида аҳолининг ўртacha ойлик иш ҳақи нисбатан юқоридир. Бу уларда аҳоли бандлиги, яратилган иш ўринлари сони бўйича бошқа ҳудудларга қараганда анча юқори улушга эгалигидан, вилоят аҳолисининг Муборак ва Ғузор туманларидағи йирик саноат корхоналарида бандлиги таъминланганидан далолат беради [12].

2014 йилда Қамаши туманининг иқтисодий кўрсаткичларидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 79.4 млрд. сўм, яъни 110,9 % га, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 27,5 млрд. сўм 107,9 %га, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 259,5 млрд. сўм, яъни 105,5 % га, асосий капитал киритилган инвестициялар 128,5 млрд. сўм, 162,9 % га, қурилиш ишларини бажариш ҳажими 79,9 млрд. сўм, 116,0 % га, савдо айланмаси 313,5 млрд. сўм, 116,1 % га, пуллик хизматлар 84,5 млрд. сўм, 1104 % га ўтган йилга нисбатан оширилди.

Аҳолини чорвачилик, деҳқончилик маҳсулотлари билан таъминлаш, истеъмол бозорини йил давомида сифатли, арzon маҳсулотлар билан таъминлаш, халқимизнинг моддий манфаатдорлигини, турмуш фаровонлигини ошириб бориш энг устувор вазифа ҳисобланади. 2014 йилда 25303 тонна гўшт, 74016 тонна сут, 43810 дона тухум, 4412,8 тонна картошка, 33975,0 тонна сабзавот, 7686,9 тонна мева, 1741,1 тонна узум ва 8291,6 тонна полиз маҳсулотлари ишлаб чиқарилди [13].

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2021 йил январь декабрь ойларида 3010,3 млрд. сўм, ўсиш суръати 90,3 %, алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш 115,1 млрд. сўм, ўсиш суръати 88,1 %, тўқимачилик буюмлари 4040,6 млрд. сўм, ўсиш суръати 126,2 %, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3699,8 млрд. сўм, ўсиш суръати 103,1 %, мебель ишлаб чиқариш 90,3 млрд сўм, ўсиш суръати 79,5 %, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 4615,4 млрд. сўм, ўсиш суръати 98,0 %, озиқ-овқат товарлари 2860,9 млрд. сўм, ўсиш суръати 97,9, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 1754,5 млрд. сўм, ўсиш суръати 98,7 % [14].

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2020 йилнинг январь декабрь ойларига нисбатан 98,0 % ни ташкил қилиб, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидағи улуши эса 24,6 % ни ташкил этади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2753,8 млрд. сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 59,7 % ни, ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1754,5 млрд. сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 38,0 % ни, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми эса, 107,2 млрд. сўм ҳисобланиб жами истеъмол товарларидаги улуши 2,3 % ни ташкил этди [15].

Иқтисодий ўзгаришлар аҳоли моддий фаровонлиги ошишига бевосита таъсир қилди. Воҳада аҳоли пул даромадлари 2006 йилда 2002 йилга нисбатан 251,3 % га ошди. Бу эса вилоят аҳолиси харид қобилиятига ижобий таъсир қилди. 2006 йилда якка тартибда 4 млн. 549 минг2 метр уй-жой 2200 та дала ҳовли қурилди. Вилоятда бандлик муаммосига, кам таъминланган оиласаларни барқарор даромад манбалари билан таъминлашга, умуман, ижтимоий муҳофаза масалаларига оид маълум ишлар олиб борилди [16].

Аҳолининг озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминланиши бир томондан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг етиштирилишига ҳам боғлиқ. Хусусан, вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг таркибини таққослаб чиқадиган бўлсак дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини фермер хўжаликлари ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар томонидан етиштирилган.

Жумладан, 2010 йилнинг ҳолатига кўра, дехқончилик маҳсулотларининг 71,0 % ни фермер хўжаликлар, 28,4 % ини шахсий ёрдамчи хўжаликлар, 0,6 % ни қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан етиштирилган [17].

Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда 2,0 % ини фермер хўжаликлар, 96,3 % ини дехқон шахсий ёрдамчи хўжаликлар, 1,7 % ини қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан етиштирилган [18].

Бу кўрсаткич 2015 йилга келиб, дехқончилик маҳсулотларини етиштириш 61,8 % ини фермер хўжаликлари, 37,2 % ини дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари, 1,0 % ини қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилган.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш 2,2 % ини фермер хўжаликлари, 96,1 % дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари, 1,7 % қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилган [19].

Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол моллари, 2010 – йил ҳолатига кўра Қарши шаҳрида 1094,8 минг сўм, Ғузор туманида 37,1 минг сўм, Дехқонобод туманида 29,4 минг сўм, Қамаши туманида 164,4 минг сўм, Қарши туманида 65,7 минг сўм, Косон туманида 345,5 минг сўм, Китоб туманида 136,5 минг сўм, Миришкор туманида 79,9 минг сўм, Муборак 131,1 минг сўм, Нишон туманида 79,8 минг сўм, Касби туманида 29,9 минг сўм, Чироқчи туманида 70,5 минг сўм, Шаҳрисабз туманида 465,9 минг сўм, Яккабоғ туманида 119,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган [20].

Вилоят бўйича ҳалқ истеъмол моллари 2011 – йил ҳолатига кўра озиқ-овқат маҳсулотлари 466,3 млрд. сўм, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 338,6 млрд. сўм, 2016 – йил ҳолатига кўра озиқ-овқат маҳсулотлари 1458,2 млрд. сўм, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 1089,2 млрд. сўм, 2021 – йил ҳолатига кўра озиқ овқат маҳсулотлари 2691,3 млрд. сўм, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 1866,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган [21].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мустақилликнинг дастлабки йилларида давлат томонидан истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида энг зарур маҳсулотлар

норма асосида бериладиган бўлди. Бозор иқтисодиётига ўтиш, пахта экинлари ўрнига ғаллачилик ва боғдорчилик майдонларининг кўпайиши натижасида аҳолини озиқовқат маҳсулотлари билан таъминлана борди. Шунингдек, аҳолининг харид қуввати ортиши натижасида ноозик-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортиб борган. Натижада, аҳолининг яшаш шароитида ижобий ўзгаришлар рўй берди.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Нурматов А. Қайта қўриш йилларида Ўзбекистонда аҳоли моддий таъминоти: ҳолати ва муаммолари// Ўзбекистон мустақилликка эришишининг тарихий шарт-шароитлари. Тошкент.; “Tamaddun”. 2022 йил. 127-б.
2. Қашқадарё ҳақиқати. 1992 йил 4 январь.
3. Қашқадарё ҳақиқати. 1992 йил 16 январь.
4. Ўзбекистон мустақилликка эришишининг тарихий шарт-шароитлари. Тошкент – 2022 йил. 130-б.
5. Ўзбекистон мустақилликка эришишининг тарихий шарт-шароитлари. Тошкент – 2022 йил. 130-б.
6. Қашқадарё ҳақиқати. 1996 йил 3 февраль.
7. Қашқадарё ҳақиқати. 1996 йил 4 февраль.
8. Қашқадарё ҳақиқати, 1996 йил 18 февраль.
9. Қашқадарё ҳақиқати, 1997 йил 22 январь.
10. Қашқадарё вилояти ижтимоий-иқтисодий инвестициявий паспорти. Қарши, 2003 й. 14-б.
11. Эркаев А. Қашқадарё вилояти истиқлол йилларида: (Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йули” рисоласидан келиб чиқсан ҳолда, вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига бир назар). –Т.: “Маънавият”, 2007.36-б.
12. Markaziy Osiyo sivilizatsiya tizimida O’zbekiston tarixi va madaniyati. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to’plami.Qarshi – 2022. 510 b.
13. Tursunboy Boymirov. O’rolboy Boyqobilov. Qamashi va qamashiliklar.Toshkent – 2016. 275 b
14. Qashqadaryo viloyatining 2021 – yil yanvar-dekabr statistik axborotnomasi. Qarshi – 2022. 20 b.
15. Qashqadaryo viloyatining 2021 – yil yanvar-dekabr statistik axborotnomasi. Qarshi – 2022. 25 b.
16. Markaziy Osiyo sivilizatsiya tizimida O’zbekiston tarixi va madaniyati. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to’plami.Qarshi – 2022. 509 b.
17. Вилоят статистика бошқармаси жорий архиви. 2023 йил.
18. Вилоят статистика бошқармаси жорий архиви. 2023 йил.
19. Вилоят статистика бошқармаси жорий архиви. 2023 йил.
20. Вилоят статистика бошқармаси жорий архиви. 2023 йил.
21. Вилоят статистика бошқармаси жорий архиви. 2023 йил.

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***Nº S/2 (4) – 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масьулияти чекланган жамияти**

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).